

**«ТАСДИҚЛАЙМАН»**  
Тошкент Кимё халқаро  
университети ректор в.б.  
А.Б.Аллакулиев



«    » \_\_\_\_\_ 2026 й.



**«МАЪҚУЛЛАНДИ»**  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
таълим, фан ва инновация вазирлиги  
хузуридаги ОАК раиси  
А.Т. Юсупов

«    » \_\_\_\_\_ 2026 й.

**14.00.21-“Стоматология”**  
**Ихтисослиги бўйича малакавий имтихон**  
**ДАСТУРИ**

Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси  
Тиббиёт фанлари бўйича эксперт кенгашининг  
қарори билан тавсия этилган ( \_\_\_\_\_, № \_\_\_\_)

**ТОШКЕНТ – 2026**

**ТОШКЕНТ КИМЁ ХАЛҚАРО УНИВЕРСИТЕТИ**

**14.00.21-“Стоматология”  
ИХТИСОСЛИГИ бўйича малакавий имтиҳон  
ДАСТУРИ**

**ТОШКЕНТ – 2026**

Дастур Тошкент Кимё халқаро университетида ишлаб чиқилди ва университет Илмий Кенгашининг 2025 йил «23» сентябрда бўлиб ўтган мажлисида кўриб чиқилди(№-2 - баённома) ва маъқулланди.

ОАК тартиб-қоида комиссиясининг 2025 йил \_\_\_\_\_ даги мажлисида “Стоматология” фани бўйича малакавий имтиҳоннинг дастури сифатида қабул қилинди.

**Тузувчи:**

Мирхайидов М.М - тиббиёт фанлари номзоди;

Хатамов У.А.- тиббиёт фанлари номзоди;

**Такризчилар:**

Амануллаев Р.А. - тиббиёт фанлари доктори, профессор;

## К И Р И Ш

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 08.10.2019 йилдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилгача олий таълим тизимини ривожлантириш концепцияси” Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.10.2020 йилдаги ПФ-6079-сонли “Рақамли Ўзбекистон — 2030” Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сонли “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисидаги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.12.2023 йилдаги ПҚ-415-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришни жадаллаштириш ҳамда илғор рақамли технологияларни жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 01.05.2023 йилдаги ПҚ-140-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорларида олий таълим тизимини ислох этишнинг устувор йўналишларидан бири сифатида олий таълимдан кейинги таълимда тиббиёт фанлари бўйича юқори малакали илмий ва илмий-педагогик кадрларни, жумладан стоматология йўналишида фалсафа доктори (PhD) ва тиббиёт фанлари доктори (DSc) тайёрлаш жараёни муҳим ўрин егаллайди.

Стоматология фани соғлиқни сақлаш тизимида муҳим аҳамиятга ега бўлиб, оғиз бўшлиғи, тишлар, пародонт, юз-жағ соҳаси касалликларининг келиб чиқиши, ривожланиш механизмлари, клиник белгилари, ташхислаш, даволаш ва профилактикаси масалаларини қамраб олади. Мазкур фанни ўрганишдан мақсад аҳоли ўртасида стоматологик касалликларнинг ерта аниқланишини таъминлаш, касалланиш ва асоратлар даражасини камайтириш, замонавий диагностика ва даволаш усуллари амалиётга жорий этиш, шунингдек оғиз бўшлиғи гигиенаси ва профилактик тадбирларни илмий асослашдан иборат.

Дастурда стоматология фанининг асосий бўлимлари, жумладан терапевтик стоматология, ортопедик стоматология, пародонтология, болалар стоматологияси, юз-жағ жарроҳлиги ва имплантология йўналишлари қамраб олинган. Унда тиш ва пародонт касалликларининг этиологияси, патогенези, патоморфологияси, клиникаси, клиник таснифи, оғирлик даражалари, кечиш хусусиятлари, стоматологик касалликларнинг клиник таянч ташхисот белгилари ва синдромлари, дастлабки ва дифференциал ташхис қўйиш тамойиллари, касалликларнинг оғир ва асоратланган шаклларида асосий ва қўшимча ташхисот усуллари, замонавий инструментал ва лаборатор текширув методлари, даволаш режаларини тузиш, минимал инвазив ва рақамли стоматология технологияларини қўллаш масалалари ўрганилади.

Шунингдек, дастурда кечиктириб бўлмайдиган стоматологик ҳолатларда шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш, беморларни амбулатор ва стационар шароитда комплекс даволаш асослари, юз-жағ соҳаси жарроҳлик аралашувларига

тайёрлаш ва реабилитация қилиш, имплантация ва протезлаш жараёнларида замонавий рақамли технологиялардан фойдаланиш, беморларни шифохонага ётқизиш ва шифохонадан чиқариш кўрсатмалари, стоматологик касалликлар профилактикаси ва соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш масалалари қамраб олинган.

Ушбу дастур 14.00.21 — Стоматология ихтисослиги бўйича фалсафа доктори (PhD) ва тиббиёт фанлари доктори (DSc) илмий даражаларини олиш учун мўлжалланган.

## АСОСИЙ ҚИСМ

Стоматология фани инсоннинг оғиз бўшлиғи, тиш, пародонт, милк, жағ ва юз соҳаларининг тузилиши, функцияси, касалликлари ҳамда кулами даволаш ва олдини олиш усулларини ўрганишга қаратилган клиник фан ҳисобланади. Ушбу фан стоматологик касалликларни келиб чиқиш сабаблари, патогенез меҳаҳизмлари, клиник кўринишлари, ташхислаш усуллари, замонавий даволаш ва реабилитация ёндашувларини илмий асосда таҳлил қилишм ўз ичига олади.

Фаннинг асосий мақсади - стоматологик касалликларни чуқур ўрганиш, уларнинг ривожланишида иштирок этувчи биологик, иммунологик, микробиологик, биокимёвий ва морфологик омилларни аниқлаш, шунингдек, замонавий диагностика ва даволаш технологияларини амалиётга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантиришдир.

Фаннинг долзарблиги замонавий стоматологияда оғиз бўшлиғи тўқималарининг микробиологик мувозанатини сақлаш, иммун тизимнинг маҳаллий химоя меҳанизмларини мустаҳкамлаш, яллиғланиш жараёнларини эрта аниқлаш ва кулами комплекс даволаш усулларини такомиллаштириш билан белгиланади. Шунингдек, замонавий биоматериаллар, лазер технологиялари, 3Д-моделлаштириш, радиовизуализация, имплантология, регенератив тиббиёт ва наноматериаллар асосида даволаш ёндашувларини ишлаб чиқиш фан доирасидаги устувор йўналишлардан ҳисобланади.

Стоматология фани терапевтик, жарроҳлик, ортопедик, ортодонтик ва болалар стоматологияси йўналишларининг илмий асосларини ўз ичига олади. Ҳар бир йўналишда оғиз бўшлиғи аъзоларининг тузилиш ва функционал ўзгаришлар, тўқималарнинг қайта тикланиш жараёнлари, имплантация, протезлаш, пародонт касалликлари, кариес, пулпит, периодонтит, йирингли ва травматик жараёнларнинг клиник кечиш хусусиятлари ўрганилади.

Терапевтик стоматология - тиш тўқималари ва пародонтнинг яллиғланиш, деструктив ҳамда дистрофик касалликларини эрта аниқлаш, улами консерватив ва биотехнологик усулларда даволаш. Кариес, пулпит, периодонтит, гиперестезия, эмал гипоплазияси патологиялари, патогенези, микрофлораси ва патоморфологияси.

Жарроҳлик стоматологияси - оғиз бўшлиғи ва жағ соҳасидаги жарроҳлик амалиётлари, яраламнинг битиш меҳанизми, реплантация, гайморотомия, кистектомия, жарроҳлик-пародонтологик муолажалар, оғриқсизлантириш усуллари. Шу билан бирга, регенератив жараёнлар, янгиланувчи биоматериаллар ва тўқималарни қайта тиклаш технологиялари.

Ортопедик стоматология - тиш ва жағ тизими анатомик ва функционал бузилишлари, протезлаш, имплантация, окклюзия ва артикуляцияни тиклаш масалалари. Замонавий протез конструкциялари, имплант материаллари, 3Д- моделлаштириш ва компютер-дизайн технологиялари.

Ортодонтик стоматология - тиш қаторлари ва жағ-соҳа тузилишининг аномалияларини эрта аниқлаш, уларни бартараф этиш ва профилактика қилиш. Замонавий брекет тизимлари, элайнерлар, ортодонтик имплантлар ҳамда янгиланувчи функционал аппаратлардан фойдаланиш.

Болалар стоматологияси эса болаларда тиш ривожланиши, сўлак безлари функцияси, суяк тўқимаси ўсиши ва иммун тизим хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда касалликларнинг профилактикаси ва даволаш. Эрта ёшдаги стоматологик касалликлар патогенези ва уларнинг туғма аномалиялар билан боғлиқлиги.

Оғиз бўшлиғи шиллиқ қавати касалликлари. Эпителий ва бириктирувчи тўқималар морфологик ва функционал ўзгаришлари, яллиғланиш, дистрофик ва неопластик жараёнларнинг ривожланиш механизмлари Шиллиқ қават касалликларининг келиб чиқишида маҳаллий ва умумий омиллар, инунун тизим фаолияти, микробиологик муҳит ва биокимёвий ўзгаришларнинг роли. Стоматитлар, гингивитлар, хейлитлар, лейкоплакия, кандидоз, ярали ва ерозив жараёнлар, оғиз бўшлиғидаги фон касалликларининг клиник белгилари, ташхислаш усуллари ва замонавий даволаш тамойиллари.

Тўлиқ олиб қўйиладиган тиш протезлари билан протезлаш. Тиш қатори тоиик йўқолиши натижасида пайдо бўлган функционал ва эстетик бузилишлар, уларни бартараф этиш. Бу йўналишда алвеоляр тўқималарнинг морфофункционал ҳолати, протезларнинг биомеханик тамойиллари, базис материалларининг физик ва биологик хусусиятлари, протез яроксизлигининг сабаблари ҳамда адаптация жараёнлари. Индивидуал протез конструкциялари, САД/САМ технологиялари, 3Д-моделлаштириш ва биосовуқ материаллардан фойдаланиш усуллари.

Дентал имплантология. Тишлар функциясини тўлиқ тиклаш, суяк тўқимаси атрофиясини олдини олиш, пациентнинг эстетик кўриниши. Имплантациянинг биологик ва техник асослари, остеоинтеграция жараёни, имплант материаллари ва қопламалари биосогтомлиги, имплантациядан кейинги тикланиш ва асоратларни олдини олиш усуллари. Суяк реконструктив хирургияси, синус-лифтинг, навигацион имплантация, регенератив технологиялар ва қўшимча биоматериаллардан фойдаланиш.

Эпителиал регенерация, суяк тўқимаси ремоделляцияси, микрофлора мувозанати, иммун жавоб ва яллиғланиш медиаторларининг ўзаро таъсири механизмлари. Янги диагностик воситалар, минимал инвазив жарроҳлик усуллари, юқори технологик протез ва имплант тизимларини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг самарадорлиги.

Оғиз бўшлиғи касалликларини чуқур таҳлил қилиш, клиник, лаборатор, морфологик, биокимёвий ва инструментал текширув усуллари қўллаш, янги даволаш стратегияларини ишлаб чиқиш, илмий таҳлил ва экспериментал тадқиқотларни ўтказиш кўникмаларини шакллантириш.

Аҳолининг стоматологик саломатлигини мустаҳкамлаш, протезлаш ва имплантация натижаларини яхшилаш. Оғиз тўқималарининг регенерацион имкониятларини ошириш, тиш-жағ тизими патологияларини эрта аниқлаш.

## Тавсия этиладиган адабиётлар руйхати

- Боровский Е.В., Леонтьев В.К. Терапевтик стоматология. Москва, Медицина, 2010.
- Боровский Е.В. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари. Москва, Медицина, 2008.
- . Дмитриева Л.А. Терапевтик стоматология. Москва, ГЭОТАР-Медиа, 2015.
- ?? Николаев А.И., Цепов Л.М. Практик терапевтик стоматология. Москва, МЕДпресс-информ, 2009.
- ?? Барер Г.М. Стоматология пропедевтикаси. Москва, ГЭОТАР-Медиа, 2011.
- ?? Кулаков А.А. Хирургик стоматология ва юз-жағ жароҳлиғи. Москва, ГЭОТАР-Медиа, 2012.
- ?? Цепов Л.М. Пародонтология. Москва, Медицина, 2011.
- ?? Кузьмина Э.М. Оғиз бўшлиғи касалликлари профилактикаси. Москва, Медицина, 2010.
- ?? Луцкая И.К. Клиник стоматология. Минск, Вышэйшая школа, 2013.
- ℵ Рахматов О.Б. Болалар терапевтик стоматологияси. Тошкент, Cho‘lpon, 2014.
- ℵ Абдуллаев А.А. Терапевтик стоматология. Тошкент, Abu Ali ibn Sino, 2016.
- ℵ Азимов М.М. Терапевтик стоматология. Тошкент, Abu Ali ibn Sino, 2014.
- ℵ Азимов М.М. Оғиз бўшлиғи шиллик қавати касалликлари. Тошкент, Abu Ali ibn Sino, 2012.
- ℵ Азимов М.М. Пародонт касалликлари. Тошкент, Abu Ali ibn Sino, 2013.
- ℵ Азимов М.М. Стоматологик касалликлар диагностикаси. Тошкент, Abu Ali ibn Sino, 2015.
- ℵ Fejerskov O., Kidd E. Dental Caries: The Disease and Its Clinical Management. Oxford, Blackwell Munksgaard, 2008.
- ℵ Carranza F.A. Clinical Periodontology. Philadelphia, Saunders, 2012.
- ℵ Newman M.G., Takei H., Klokkevold P.R. Carranza’s Clinical Periodontology. St. Louis, Elsevier, 2015.
- ℵ Leus P.A. Clinical Dentistry. London, Elsevier, 2014.
- ℵ [www.who.int](http://www.who.int)
- ℵ [www.ncbi.nlm.nih.gov](http://www.ncbi.nlm.nih.gov)
- ℵ [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)
- ℵ [www.medbook.ru](http://www.medbook.ru)
- ℵ [www.dentistrytoday.com](http://www.dentistrytoday.com)